

РАСМИЙ МУНОСАБАТ



Яқын кунларда ижтимоий тармоқларда Олтинсой туман “Соҳибкор” маҳалласида openbudget.uz порталиниңг “Менинг йўлим” лойиҳаси бўйича бажарилган асфальтлаш ишларининг сифатсизлигидан норози бўлиб, видеолавҳа бўйича Олтинсой тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳужжатли ўрганиш олиб бориб, қуидагиларни аниқлади:

Олтинсой туманиниңг тоғли худудида жойлашган “Соҳибкор” маҳалласида openbudget.uz порталиниңг “Менинг йўлим” лойиҳаси бўйича “Мега-Қурувчи Инвест-Сервис” МЧЖ томонидан умумий қиймати 1110500500 сўмлик, 3,1 км ички хўжалик йўллари асфальтланган.

Асфальтлаш ишлари “TEXNO FNALIT TEST” МЧЖ томонидан лабараториядан ўтказилиб, лабаратория хulosасига кўра асфалтлаш ишлари лойиҳа смета асосида олиб борилганлиги юзасидан ижобий хulosasi берилган.

Бундан ташқари, “Мега-Қурувчи Инвест-Сервис” МЧЖ томонидан “Соҳибкор” маҳалласида “Менинг йўлим” лойиҳаси бўйича амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларини қонунийлиги юзасидан Давлат Молиявий Назорати бошқармаси талабномаси асосида “Тўлқин-Шарофиддин” ХК мутахассислари томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва ижобий хulosasi берилган.

Ушбу видеолавҳалардаги иддаолар қурилиш жараёни якунланмасдан олдин олинган бўлиб, кўрсатилган лавҳалар ҳақиқатга тўғри келмайди.